


«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи
ишлар вазирлиги


« 5 » 07


В.И.Норов
2007 йил

Шайхонтохур туман Ҳокимлиги
ҳузуридаги Тадбиркорлик
субъектларини рўйхатдан ўтказиш
Инспекцияси томонидан

2007 йил «10» 07
R-001989-09 реестр рақами билан
рўйхатга олинган


**«Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги
Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси»**

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

УСТАВИ

(янги таҳрирда)

Тошкент шаҳри 2007 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси, бундан буён матнда «корхона» деб юритилади, давлат унитар корxonаси сифатида Ўзбекистон Ҳукуматининг 1988 йил 13 сентябрдаги «Дипломатик ва бошқа чет эл ваколатхоналарига хизмат кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Корхона 2000 йил 27 март куни Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимининг 312-сонли қарори билан рўйхатга олинган.

Мазкур устав Корxonанинг янги таҳрирдаги Устави ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли «Устав фондида давлат улуши бўлган корxonаларнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тузилган.

1.2. Корxonанинг тўлиқ расмий номи:

Рус тилида: Государственное унитарное предприятие «Служба дипломатического сервиса Министерства иностранных дел Республики Узбекистан».

Ўзбек тилида: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси «Дипхорижхизмат» давлат унитар корxonаси.

Корxonанинг қисқартирилган номи: «Дипхорижхизмат» давлат корxonаси.

1.3. Корxonанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100128, Тошкент шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 1-уй, «А» корпуси.

1.4. Корхона номуайян муддатга тузилган.

II. Корxonанинг юридик мақоми

2.1. Корхона Ташқи ишлар вазирлиги таркибига киради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига идоравий бўйсунди.

Корхона давлат унитар корxonаси шаклидаги тижорат ташкилот ҳисобланади.

Корхона амалдаги қонун талабларига кўра рўйхатдан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс мақомини олади.

2.2. Корхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа актлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруқлари, фармойишлари ва йўриқномаларига, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

2.3. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талаблари асосида жавобгар бўлади.

Корхона Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди ва ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳам корхона мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2.4. Корхона ўзининг алоҳида мол-мулки, мустақил баланси, банкларда ҳисоб рақамларига, жумладан, валюта ҳисобларига, эмблема, штамп ва бланкалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган муҳрига эга бўлади.

2.5. Корхона Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ўз номидан ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларини амалга оширади, судларда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этади.

2.6. Корхона ЎР ТИВ билан келишган ҳолда тижорат ташкилотлари, шу жумладан амалдаги қонунларга биноан юридик шахслар иштирок этиши рухсат этилган нотижорат ташкилотлар иштирокчиси (аъзоси) бўлиши ҳамда филиаллар ва ваколатхоналар очиши мумкин.

III. Корхона фаолиятининг мазмун ва мақсадлари

3.1. Корхона Ўзбекистон Республикасида дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг фаолиятлари учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш, жумладан хорижий ваколатхоналарнинг республикада бўлишларини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни тез ва сифатли ҳал қилишга қаратилган фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида тузилган.

3.2. Корхонанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган дипломатик ва уларга тенглаштирилган хорижий ваколатхоналарнинг фаолият шароитларини яхшилашга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш;

Республикамизнинг чет эл давлатлари билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш учун қулай шароитларни яратиш;

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа хорижий ваколатхоналарга хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

3.3. Корхона ўз зиммасига юклатилган вазифаларга биноан қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа хорижий ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш, шунингдек хорижий ваколатхоналарга хизмат (иш) кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиради:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, муассаса ва корхоналарда ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича дипломатик ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар манфаатини ифода этади;

дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа хорижий ваколатхоналар фаолиятига тегишли масалалар бўйича вазирликлар, муассаса, ташкилот ва корхоналарга зарур ёрдам кўрсатади;

ташкилот ва корхоналар томонидан хорижий ваколатхоналар ва уларнинг ходимларига хизмат кўрсатиш чоғида воситачилик вазифасини бажаради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дипломатик ваколатхона ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар учун мўлжалланган объект ва уй-жой қурилиши ҳамда реконструкцияси бўйича буюртмачи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан хорижий ваколатхоналарда ишлаш учун мутахассис ва хизмат кўрсатувчи ходимларни танлаш, ишга йўллаш ва расмийлаштиришни амалга оширади;

дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа хорижий ваколатхоналарнинг мурожаатларига кўра уларга кўчмас мулкни сотиш, ижарага олиш ёки беришни таъминлайди, шунингдек, хорижий ваколатхона ва улар ходимлари ўртасида кўчмас ва кўчириб бўладиган мулкларнинг ижара ва олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришда воситачилик фаолиятини амалга оширади;

«ТОШКЕНТ» аэропортининг «VIP» ва «CIP» заллари орқали хорижий давлатларнинг расмий ҳукумат вакиллари, хорижий дипломатик ваколатхона ва халқаро ташкилот ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ходимларини кутиб олиш ва кузатишни ташкил этади;

божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг темир йўл станциялари ва аэропортида юкларни қабул қилиш, жўнатиш, баённомада кўрсатиш, божхона текширувидан ўтказиш ишларида кўмаклашади ва хизмат кўрсатади;

радиоэлектрон алоқа воситаларини сотиб олиш, ўрнатиш, олиб кириш ва ишлатиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда, шунингдек элчихоналарда радиоузатиш қурилмаларини ўрнатиш масалаларини келишишда, телефон алоқаларини ўрнатиш ва алоқа хизматини кўрсатишда кўмаклашади;

дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа хорижий ваколатхоналарнинг ходимларига мазкур иш учун вакил қилинган шахс буюртмасига кўра меҳмонхоналарда жой банд қилиб қўйиш, шунингдек ҳаво транспорти учун чипталар сотиб олишни амалга оширади;

дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа хорижий ваколатхоналар ходимларининг фарзандларини болалар боғчаларига ва ўқув муассасаларига жойлаштиришда ёрдам кўрсатади;

дипломатик ваколатхона ходимларига тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни тиббий муассасаларга бириктириб қўйиш, дам олиш жойлари ва уйларига йўлланмалар олишда кўмаклашади;

турли нашр маҳсулотлари, муҳр ва штампларни тайёрлаш, элчихона ва бош консулхона номлари ёзилган лавҳаларни тайёрлашда кўмаклашади;

банкларда ҳисоб рақамларини очишда ҳамда солиқ органларида солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)ни олишда кўмаклашади;

тантанали маросим ва қабулларни ташкил қилиш ва ўтказишда, жумладан элчихоналар очилиши муносабати билан ўтказиладиган маросимлар, кўргазмалар, семинар ва анжуманлар, халқаро учрашув ва тақдимотларни ўтказишда ёрдам кўрсатади;

автомобилларни Ўзбекистон Республикаси ДАН рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш, ҳисобдан чиқариш, рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома олишда, техник кўрикдан ўтказишда, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришда, божхона рухсатини олишда, давлат рақам белгисини олиш ва ўзгартиришда, Ўзбекистон Республикасининг МДХ давлат чегараларини кесиб ўтишлари учун рухсат хатларини олиш, флагштокларни ўрнатишда ёрдам кўрсатади;

шахсий ва хизмат юзасидан фойдаланиш учун автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришда ва нотариал идораларга тасдиқловчи хатлар беришда кўмаклашади;

хорижий ваколатхоналарда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳужжатларини чет элга чиқишлари учун расмийлаштиришда, шунингдек хорижий ваколатхона талабномасига мувофиқ амалдаги визаларни узайтириш ва виза талабномасини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатишда ҳамда чет эл фуқароларини ЎР ИИВ Хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бошқармасидан рўйхатдан ўтиш ишларида кўмаклашади;

ахборотлаш ва компьютерлаштириш соҳасида маслаҳатчилик хизматини кўрсатади, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва иш жойларини лойиҳалаштиради ва амалга тадбиқ этади, ҳисоблаш техникасини таъминлаш дастури бўйича маҳсулотлар ва маркетинг хизматларини амалга оширади;

телекоммуникация соҳаси ва интернет бўйича хизматлар кўрсатади;

даромад ва бошқа турдаги солиқларни ушлаш ҳамда тегишли жамғармаларга даромад солиғини тўлаш ва бадалларни ўтказиш бўйича ҳисоб-китобларни олиб боришда кўмаклашади;

қурилиш, таъмирлаш ва сантехника ишларида кўмаклашади;

дипломатик ва уларга тенглаштирилган хорижий ваколатхоналарнинг буюртмаларига биноан Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги тарихий ва маданий ёдгорлик жойларига экскурсиялар ташкил қилади, концертларга, театр томошалари ва бошқа маданий-томоша тадбирларига чипта олишда ёрдам кўрсатади;

умумий овқатланиш ҳамда савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланиш ишларини ташкиллаштиради;

дипломатик ва уларга тенглаштирилган хорижий ваколатхоналар ходимларининг ҳаёти, соғлиги, кўчмас ва кўчириб бўладиган мулкларини суғурта қилиш хизматларини кўрсатади;

маслаҳатчилик ва тиббий хусусиятларга молик хизматларни кўрсатади;

нашриёт-матбаа фаолиятини амалга оширади;

белгиланган тартибда ташқи иқтисодий, савдо ва савдо-воситачилик фаолиятини амалга оширади ҳамда улгуржи ва чакана савдо фаолиятини олиб боради.

3.4. Юқорида санаб ўтилган хизмат турлари имкон қадар ва хорижий ваколатхоналарнинг манфаатларига зарар етказилмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг, жумладан хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.5. Корхона ўз эҳтиёжи ҳамда хорижий ваколатхоналар учун ҳам ижтимоий, маиший ва маданий соҳаларга оид объектларни қуриш, шунингдек асосий фондларни капитал таъмирлашни амалга оширади.

3.6. Корхона мазкур Уставда белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.7. Лицензия талаб этувчи фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ лицензия олингандан сўнггина амалга оширилади.

IV. Корхона бошқаруви

4.1. Корхона бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ҳамда мазкур Уставга мувофиқ амалга оширилади.

4.2. Корхона Устави, шунингдек унга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қонунда белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

корхона фаолияти мазмуни, мақсади ва турларини белгилаб беради;

корхона учун таъсис этилган Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

корхона ходимларини хизмат сафарлари ва ЎР ТИВнинг чет элдаги муассасаларида ишлаш масалаларини ҳал қилади;

корхонага муайян мақсадлар учун асосий ва айланма маблағлар, транспорт ва бошқа мулкларни беради ҳамда ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилади;

давлат корхонаси мулки бўйича битимларни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво тақдим этади.

давлат корхонаси мулкидан фойдаланилмаганлик ёки белгиланган тартибдан ташқари фойдаланилганлик учун ортиқча ҳаражатларни қайтариб олади ва уларни тасарруф этади;

давлат корхонаси мулкига етказилган зарарларни ундириш юзасидан судларга даъво тақдим этади;

корхонага берилган давлат мулкидан фойдаланиш орқали олинган даромаднинг бир қисмига эгалик қилади.

ЎР ТИВ ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

давлат корхонаси бошлиғини тайинлаш, амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида у билан меҳнат шартномасини тузиш;

корхонанинг ҳар йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чорақда унинг бажарилиши юзасидан ҳисоботни тинглаш;

Давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда мулкни тасарруф этишга рухсат бериш бўйича қарор чиқаришда келишиш;

корхонага берилган давлат мулкидан белгиланган тартибда фойдаланиш ва уни сақлаш, шунингдек корхона ихтиёрига ўтказилиши устидан назорат олиб бориш.

4.5. Корхона бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруғи асосида тайинланади ва озод этилади.

ЎР ТИВ Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари ЎР ТИВ рўйхатида туради.

4.6. Корхона бошлиғи амалдаги қонунчилик асосида фаолият юритади ва корхонанинг ягона ижроия органи ҳисобланиб, корхона олдига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ишларини ташкиллаштиради, корхона номидан ишончномасиз фаолият олиб боради, шунингдек унинг манфаатларини ифода этади;

корхонанинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади ва унга юклатилган вазифа ҳамда ўз бурчларини амалга оширишга шахсан жавобгар ҳисобланади;

бошлиқ ўринбосарлари ва корхона бўлинмалари раҳбарларининг масъулият даражасини белгилаб беради;

корхона номидан ўрнатилган тартибда битимлар тузади, Ўзбекистон Республикаси, жумладан хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан шартномалар тузади;

корхонанинг барча бўлимлари ҳамда унинг бўлинмалари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва йўриқномалар чиқаради, қонунда белгиланган тартибда ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда тижорат ташкилотлари, шу жумладан амалдаги қонунларга биноан юридик шахслар иштирок этиши рухсат этилган нотижорат ташкилотлар иштирокчиси (аъзоси) бўлиш, филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда корхона таркиби, штат жадвалини ва ходимларини мукофотлаш ҳақидаги қонунни тасдиқлайди;

корхонага ходимларни ишга қабул қилади, улар билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига кўра меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, таркибий тузилмалар раҳбарларини шартнома асосида лавозимга тайинлайди ва озод этади.

4.7. Корхона бошлиғи ушбу Уставда белгиланган тартиб асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги олдида ҳисобот беради.

4.8. Корхона бошлиғи ўз ҳуқуқини амалга оширишда ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажаришда корхона манфаатларини кўзлаб фаолият юритади, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўз вақтида тўловларни амалга ошириш, ойлик маошларни бериш, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар бўйича ва уларга

тенглаштирилган тўловлар, ишлаб чиқариш фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёж учун ўтказилмаган пул маблағлари, шунингдек давлат корхонасига берилган мулклар йўқотилиши оқибатида етказилган зарарлар бўйича қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

V. Корхона мулки

5.1. Корхона мулки қуйидагилардан ташкил топган:
асосий ва айланма маблағ ҳамда корхонанинг қарамоғидаги таркибий бўлинма ихтиёрига берилган асосий фонд ва айланма маблағлардан;
хусусий хўжалик фаолияти натижасида ишлаб топилган ёки олинган мулквий бойлик ва пул маблағи.

5.2. Корхона мулки:
корхонага оператив бошқарув ҳуқуқи сифатида бириктирилган мулкдан;
корхона фаолиятидан олинган даромадлардан, шу билан бирга корхона иштирокидаги хўжалик юритувчи жамият ва ширкатлар устав жамғармаларидан тушадиган дивиденд (фойда)ларидан;
ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари тақиқламаган манбалардан иборат.

Корхона мулкининг баҳоси корхонанинг мустақил балансида акс этади.

5.3. Корхона давлат мулкининг оператив бошқаруви корхона бошлиғи томонидан қабул қилиш - топшириш далолатномасига имзо қўйилган пайтдан вужудга келади.

5.4. Корхона мулки бўлинмас ҳисобланади ва уни улуш (ҳисса, пай) сифатида, шунингдек корхона ходимлари орасида тақсимлаб бўлмайди.

5.5. Корхона мулкни тасарруф этиш ЎР ТИВ билан келишган ҳолда қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

асосий маблағларни реализация қилиш (сотиш) ва мулкни хўжалик юритувчи жамият устав фондига улуш сифатида киритилиши;

хўжалик юритувчи жамиятнинг акция (улуш)ларини сотиб олиш;

корхонанинг хўжалик юритувчи жамиятдаги акция (улуш)ларини реализация қилиш(сотиш);

корхона фаолияти мақсадларига тегишли бўлмаган мулкни тасарруф этиш.

5.6. Корхона хусусий хўжалик фаолияти натижасида сотиб олинган ёки ишлаб топилган мулкка мустақил равишда эгаллик қилиш, уни сотиш, ижарага бериш, вақтинчалик фойдаланишга бериш, эскирганлиги муносабати билан ўз балансидан чиқариш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

5.7. Корхона ўзига тегишли барча мулкка ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

VI. Устав жамғармаси

6.1. Корхонанинг устав жамғармаси 247 280 181,60 (икки юз қирқ етти миллион икки юз саксон минг бир юз саксон бир сўм, олтиш тийин) сўмни ташкил қилиб, у хўжалик бошқарувига берилган асосий маблағлар (бино, иншоотлар)дан шаклланади.

Корхонанинг устав жамғармаси пул маблағлари, асосий ва айланма маблағлар, пул қийматига эга бўлган мулквий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқлардан шаклланиши мумкин.

6.2. Корхона устав жамғармаси миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш тартиби, шунингдек Корхона устав жамғармаси миқдорини мажбурий равишда

ўзгартириш учун асослар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тартибга солинади.

Корхона устав жамғармасини кўпайтириш корхона ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Устав жамғармасини камайтириш ёки кўпайтириш ЎР ТИВ қарори асосида амалга оширилади.

6.3. Корхонанинг ҳисоб рақамида барча мажбурий тўловлар ва солиқлар тўлаб бўлингандан кейин қолган маблағ корхона фойдаси ҳисобланади.

Корхонада бюджет, солиқ ва бошқа тўловлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингандан кейин қолган фойдаси бутунлай унинг тасарруфига ўтади.

Корхона кўрсатиб ўтилган соф фойдадан 20 фоизни ҳар йили Ўзбекистон дипломатик ва консуллик муассасаларини ривожлантириш Республика жамғармасига ўтказиб беради.

6.4. Корхона заҳира жамғармасини тузади.

Заҳира жамғармасининг қиймати корхона устав жамғармасининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Корхонанинг заҳира жамғармаси мазкур уставнинг юқоридаги бандида кўрсатиб ўтилган қийматга етгунга қадар корхонанинг тасарруфида қолган соф фойдадан ҳар йили 5 фоиз ҳисобида маблағ ўтказиб бериш орқали шаклланади.

Корхона заҳира жамғармаси фақатгина корхона зарарларини қоплаш учун ишлатилади.

Корхона зарурият туфайли соф фойда ҳисобидан бошқа фондларни ҳам ташкил этиши мумкин.

VII. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7.1. Корхона Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва мазкур устав талабларига зид бўлмаган шартнома ва мажбуриятлар мазмун ва таркиби, барча турдаги хўжалик муносабатларини танлашда мустақилдир.

7.2. Корхона ушбу устав мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ўрнатилган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ЎР ТИВ билан келишган ҳолда филиаллар ва ваколатхоналар тузиш, корхоналар, шу билан бир қаторда чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар таъсисчиси бўлиш;

филиаллар, ваколатхоналарнинг уставини тасдиқлаш, уларнинг бошлиқларини тайинлаш, ушбу таркибий бўлинмаларни қайта ташкил этиш ва тугатилиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

юрidik ва жисмоний шахслар (шу жумладан ҳорижий) билан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва мазкур устав талабларига зид бўлмаган барча турдаги шартномаларни тузиш, хусусий ёки валюта қарз маблағи ҳисобига иш ва хизматни экспорт-импорт қилишни амалга ошириш, корхона ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятлари учун зарур бўлган материаллар, жиҳозлар ва бошқа товарларни сотиб олиш;

корхонанинг моддий ресурслар, кредитлар, ссудалар ва бошқа маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобига асосий ва айланма маблағларни сотиб олиш ёки ижарага бериш;

ўз фаолиятини амалга ошириш учун турли хил кўчмас ва кўчириб бўладиган мулкларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қуриш, сотиб олиш, ажратиш, ижарага олиш ёки бериш;

хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар, шунингдек нотижорат ташкилотлар устав жамғармасига мулкни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва мазкур Устав талабларига зид бўлмаган тартибда ва меъёрда улуш сифатида киритиш ёки ижарага бериш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

корхона фаолиятини режалаштириш ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган корхона тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар талаблари асосида ривожланиш истиқболларини аниқлаш;

қонунда ўрнатилган тартибда ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими ва шакли, ходимлар сони, структураси ҳамда штат жадвалини белгилаш ва ўрнатиш;

корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, техник ва ижтимоий ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар миқдорини белгилаш;

амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ ўз иши ва хизматларни корхона томонидан мустақил ва шартномавий асосда ўрнатилган баҳо ва тарифларда амалга ошириш.

7.3. Корхона ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

ўрнатилган тартибда тасдиқланган корхона фаолияти тамойилини, шунингдек корхона фаолиятининг иқтисодий самара кўрсаткичларини бажариш;

корхона ходимлари ойлик маошлари ва бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ойлик маошлари индексациясини олиб бориш;

ўз ходимларини кафолатли меҳнат шартлари ва ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари билан таъминлаш;

молия-хўжалик ва бошқа фаолият натижаси бўйича оператив ва бухгалтерия ҳисоботини амалга ошириш, статистик ҳисоботларни олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибда ва муддатларда фаолият ва мулкдан фойдаланиш натижаси юзасидан ҳисобот бериш;

ҳар йили аудиторлик текширувини ўтказиш;

7.4. Корхона Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, корхона фаолияти мақсад ва мазмунига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши, мажбуриятларни олиши, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ўрнатилган асосда ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

VIII. Ҳисобот ва назорат

8.1. Корхона молия-хўжалик ва бошқа фаолият натижаси бўйича оператив ва бухгалтерия ҳисоботини амалга оширади, статистик ҳисоботларни олиб боради, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибда ва муддатларда фаолият ва мулкдан фойдаланиш натижаси юзасидан ҳисоботлар тақдим этади.

8.2. Корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат ва тафтиш қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ солиқ, молия ва бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

IX. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш

9.1. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.2. Корхонани қайта ташкил этишда корхона Уставига ва юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига зарур ўзгартиришлар киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ Корхонанинг қайта ташкил этилиши муносабати билан унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисига ўтади.

Янги тузилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб корхона қайта ташкил этилган, деб ҳисобланади.

9.3. Корхонани тугатиш бошқа шахсларга ҳуқуқий ворис сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтмасдан амалга оширилади.

Тугатиш комиссиясини ташкил этиш тартиби корхонани тугатиш қарорини қабул қилишда белгиланади.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайдан эътиборан унга корхона ишлар бошқармаси ваколатлари ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган корхона номидан судларда иштирок этади.

Тугатиш комиссияси матбуотга корхонани тугатиш тартиби ва кредиторлар томонидан уларнинг талаблари билдирилган аризаларни бериш муддати тўғрисида эълон беради, кредиторларни аниқлайди, улар билан ҳисоб-китоб қилади, дебитор қарзларни ундириш бўйича чоралар кўради, шунингдек кредиторларга корхона тугатилаётганлиги тўғрисида ёзма хабарнома беради.

Тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади ҳамда уни тасдиқлаш учун корхона мулки эгасига тақдим этади.

Тугатилаётган Корхонанинг кредиторлар талабларини қондириб бўлингандан кейин қолган мулкни тарсарруф этиш корхона мулки эгаси томонидан амалга оширилади.

9.4. Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар қайд этилгандан сўнг корхонани тугатиш ишлари якунланган, корхона фаолияти эса тугатилган, деб ҳисобланади.

9.5. Корхона тугатилаётган ёки қайта ташкил этилаётган вақтда меҳнат шартномаси бекор қилинаётган ходимларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари ифода этилиши кафолатланади.

9.6. Корхона қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда барча ҳужжатлар (бошқарув, молия-ҳўжалик, шахсий таркибга оид ва бошқалар) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ сақлаш учун архивга топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
Дипломатик ваколатхоналарга хизмат
кўрсатиш бошқармаси «Дипхорижхизмат»
давлат унитар корхонаси бошлиги



О.Джураев.

Джураев Обиджон Атакулович


06.07.07 19 06 года Я Усманов ТА
государственный нотариус Якут Яккасарайской
государственной нотариальной конторы, свидетельствую подлинность подписи
Усманов ТА которая сделана в моем присутствии

Личность подписавшего документ установлена.
Зарегистрировано в книге на № 23-7679
Взыскано Государственной пошлины 1200



[Handwritten signature]

Государственный нотариус
Яккасарайской районной
Государственной нотариальной конторы № 1
Усманов Талип Аманиллаевич
тел.: 333-26-83



Рақамландиб тикиб қўйилди.
Жами: 10 варақ.
ЎР ТИВ «Дипхоржихизмат»
Бошқармаси бошлиғи

[Handwritten signature]